
Учкўприк тумани марказий шифохонасига замонавий ва тежамкор иситиш қозонлари ўрнатилмоқда

Учкўприк туманида ижтимоий соҳа объектларидаги иситиш тизимларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашни таъминлаш, ушбу объектларга иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиб бериш ҳамда энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Туманда фаолият юритаётган давлат ижтимоий соҳа объектларини кўмир ёқилғисига ўтказиш орқали куз-қиш мавсумида иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш, қозонхоналарни модернизация қилиш ҳамда муассасаларнинг иссиқлик тизимини таъмирлаш ва белгиланган меъёрларда ишлашни таъминлаш чоралари давлат-хусусий шериклик асосида босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 10 апрелдаги “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасига 6 дона замонавий иситиш қозонлари ўрнатилди.

Шу кунларда тумандаги мавжуд 21 та қишлоқ оилавий поликлиникалари биноларига ҳам кўмир ёқилғисига ишлайдиган тежамкор 25 дона иситиш қозонлари ўрнатилиши кўзда тутилган.

2023-11-08 16:00:50